


БИЗ ТЕЛЕФОНСИЗ ЯШАЙ ОЛАМИЗ,ФАҚАТ,СИЗНИ АЖРАТГАН ВАҚТИНГИЗ БИЛАН.(БОЛА ТИЛИДАН)

Зилола Санакулова.

*Бизни чаққан илоннинг ортидан чопсак,илон захрининг
бутун танамизга ёйилишига сабабчи бўламиз.Бу ҳолатнинг
олдини олиш учун илоннинг ортидан югуриш эмас,
унинг олдини олиш керак.*

Ота-она сифатида бола билан тил топишиб,унинг ривожланиш босқичлари ва ўзига хос одатларини эътиборга олиб муомала қилсак ҳам,хануз фарзандларимизда салбий муносабат,салбий одатлар,номутаносиблик мавжудлигини сезамиз.Бу ҳолда қандай йўл тутиш лозим?Сиз фарзандларингизни хали ҳам телефон гатжетлари билан овутяпсизми?Фарзандингиз тенгқурларига нисбатан ортида қоляптими?Сиз жуда яхши инсон бўлиб вояга йетгансиз,бунинг сабаби фақатгина қонингизда борлиги учунгина эмас,тарбиянгиз билан боғлиқ.Бу кўпгина илмий тадқиқот ўтказган олимлар исботлаб беришган.Демак,сиз бу рисола ни ўқишингиз шарт азиз ота-оналар!Бола шўх,тўполончи бўлиб,атрофдагиларни қийнаётган бўлса,бунинг сабабини излаш лозим.У бўлар-бўлмасга йиғласа ҳам қандайдир сабаби бўлиши мумкин.Негаки,боланинг рухиятидаги безовталиқ,ички оламидаги зеркиш ва сиқилиш туйғулари сабабсиз пайдо бўлмайди.Ота-она болани яхшилаб кузатиб,муаммонинг асосини топа олиши шарт.Ана ундан кейин,муаммони баргараф қилиш йўли танланади.Баъзан ишларимиз кўпайиб,баъзан чарчаган вақтларимиз фарзандимиз хархаша қилиши билан унинг кўлига гатжетларни тутқизамиз.Бир муддатлик тинчлик ва ором учун ўз фарзандларимизни қурбон қиляпмиз.Бу ҳолат барчамизга таниш ҳолат,тўғрими?Шу хатоларимизни тушуниб йетганимизнинг ўзи ҳам бир бахт аслида.Баъзан сабрсиз ёки иши жуда кўп инсонлар бўлганимиз учун,болани қийнаётган муаммонинг сабабларини аниқламасдан,уни тузатишга киришамиз.Боладаги салбий хислатларнинг бош сабабчиси-лоқайдлик.Хар бир бола учун асосий эҳтиёж “эътибор”хисобланади.Болага нисбатан бепарволик қилинганда,у салбий хислатларни одат қилиб олдади.Бепарволик ва эътиборсизликинсонни адо қилади.Эътибор-оламшумул туйғу.Бола ота-онасининг бепарволигини сезиб,унга эътибор қаратишлари учун салбий одатларни ўргана бошлайди.Масалан,овқатни телефонсиз йейолмаслиги,телефонсиз номутаносиб ҳаракатларни қилиши,шу сабаб болани телефон билан тинчлантириш,гиперактив ҳаракатларини нотўғри тинчлантириш,доимий равишда телефон билан боғлаш.Бу борада йечим масалалари ўта муҳимдир.Йечим масаласида сиз учун олтинга тенг маълумотларни беришни маъқул кўрдим.

1.Бу ҳолатда ота-она ,энг аввало ,фарзанди билан ўрталарида узилган меҳр риштасини тиклаш лозим.Сўнгра унинг одатларини ижобий томонга йўналтириш зарур.



MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

2. Ота-онанинг тарбия жараёнида айтган сўзлари, сўзлаш оханги катта ахамиятга эга. Ёмон одат ва хислатларни ўрганишда бу ҳам бир сабаб бўлиши мумкин.

3. Сиз фарзандингизни мудом “тарбиясиз, ахлоқсиз, дангаса, ақли йўқ” деб жеркисангиз, у холда бола қандай қилиб ёмон одатлардан йироқда юрсин. Тергайверма-тентак бўлар дейди халқимиз.

Ота-она сифатида болага бир хил гапни такрорлайверсак, уни шу сўзимизга ундаган бўламиз. Фарзандингиз қандай бўлишини истасангиз, шу ниятингиз сўзингизда ифодаланг. Тўғри, “подшо ўғлим, маликаликка муносиб қизим” деб севилган хар бир бола подшо ёки малика бўлмаслиги мумкин. Бироқ уларнинг “подшо ўғлим, арслон ўғлим, маликаликка муносиб қизим, ширин, попук қизим”, дея севилган болалар орасидан улғайганликларини унутмайлик. Бу болаларда барча инсоний фазилатлар мужассам бўлиб, келажакда улар подшо ва маликалардан ортиқ ишларни бажара олишади. Хатто фарзандимиз учун танланган исм унинг келажакда қандай инсон бўлишига таъсир қилишини унутмайлик. Болага яхши тарбия бериш ва муносиб, чиройли исм танлаш хар бир ота-она учун фарз ва муҳим вазифалардандир. Уддалай олмаган ишлари ва камчиликларини мудом боланинг юзига солсангиз, бир гапни такрорлайверсангиз, бир кун келиб: “Ахир мен дангасаман, буни қилмайман” дея сизга гап қайтарса, бу муносабатни қачон ва қайерда ўрганганлигидан асло хайрон бўлманг. Аввало, сабабини ўзингиздан сўранг. У айнан бу билдирилган фикрлари билан сизга исбот қилипти холос. Фарзандингиз учун луғатингизда энг сараларини, энг гўзалларини раво кўринг. Шу ўринда бир воқеани жоиз деб билдим:

”Америкалик педагог Жон Девид ўғли билан балчикли сувга оёқларини солиб ўтирар эдилар.

Бу холни кўрган дўсти:

-Жон, болани сувдан чиқар, шамоллаб қолади, -деди.

Педагог Жон:

-Биламан дўстим, биламан, -деди.

-Лекин уни бу балчикли сувдан чиқаришимнинг бирор фойдаси йўқ. Бола ўз ихтиёри билан сувдан чиқиши учун нима қилишим кераклигини ўйлапман.

Шундай экан, биз ҳам муаммолардан кутилишнинг энг мақбул йўллари кидиришимиз, нима қилишимиз кераклигини пухта ўйлашимиз зарур экан. Телефонни тақиқлашдан олдин, у билан унинг зарарлари хақида суҳбатлашинг. Ўйин жараёнлари бу борада сизга энг мақбул йўл хисобланади. Телефон билан ўтказадиган вақтларини фойдали бўяш ишлари билан, рангли бўёқлари билан, бошқотирмали ўйинчоқлар билан, энг асосийси ўзингиз вақт ажратишингиз билан тўлдилинг. Қадрли ота-оналар, сизлар бу фойдали ва қисқа жумлалар орқали ўз фарзандингиз сизнинг ёрқин юлдузингиз бўлиши аниқ. Бу борада сизга синалган 5 та техника ёрдамчи бўлиши аниқ.

MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

1-техника:Оилада фақат кичкиналар учун эмас,катталар учун ҳам тақиқлар ўрнатиш.Айнан гатжетлар ёки муаммо саналганлари учун қоидалар юритиш.Бу тақиқларга ҳамма риюя қилишини назоратга олиш зарур.

2-техника:1хафта давомида ўрнатилган қоидаларга амал қилиш,бу жараён 1хафтадан сўнг секин-асталик билан одат тусига айлана бошлайди.

3-техника:Китоб ўқиб ўрнак бўлиш ва эртақларни ўқиб бериш,жонлантириб қизиқиш уйғотиш. Эртақ хақидаги фикрларини албатта тинглаш.

4-техника:Харакатли ўйинлардан фойдаланиш ўйинларда биргаликда бола билан ўйлаш ва имкон Борича голибликни болага бериш зарур.Бу ўринда совғалар ташкил қилиш ўйиннинг Сифатини янада ошириши анниқ.

5-техника:Доимий равишда сеҳрли сўзлардан,сеҳрли ўпичлардан,сеҳрли кучоқлардан фойдаланиш Бу хаётимиз давомида миннатсиз,пулсиз бера оладиган энг бебахо совғамиздир.

